

Ishonch

2019 йил 23 июль • сешанба • № 89 (4218)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

НАМАНГАНДА ПРЕЗИДЕНТ МАКТАБИГА ҚАБУЛ ИМТИХОНЛАРИНИНГ ИККИНЧИ БОСҚИЧИ БОШЛАНДИ


Наманган вилоятида Президент мактабига қабул имтихонларининг дастлабки bosqichida 7 минг 742 нафар ўқувчи иштирок этган эди.

Математика фани бўйича синовдан муваффақиятли ўтган талабгорларнинг 2 минг 880 нафари 22-24 июль кунлари бўлиб ўтадиган иккинчи bosqich имтихонларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Иккинчи bosqichда ахборотни таҳлил қилиш ва солиштириш қобилиятини аниқлаш бўйича математика фанидан 24 та масалани ечишга 60 дақиқа, инглиз тилидан 55 та тест саволига жавоб топиш учун 75 дақиқа вақт ажратилади.

Имтихонлар Наманган шаҳридаги «Баркамол авлод» болалар спорт мажмуасида ўтказилмоқда. 22 июль кuni 5-6-синфларга билимликлар танлаб олинса, 23 июль кuni 7-8-синф, 24 июль кuni эса 9-10-синфларга қабул учун ўқувчилар навбатдаги саралаш имтихонларидан ўтади.

Имтихон жараёнларини Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоят халқ таълими бошқармаси ҳамда Буюк Британиянинг таълим соҳасида хизмат кўрсатувчи «Cambridge Assessment International Education» ташкилоти томонидан аниқланади. Синовлар қизғин, талабгорлар жуда ҳам кўп, демак, рақобат ҳам шунга яраша кучли. Шундай экан, юксак билим, иқтидор ва ис-



боев. — Ота-оналар ва устозларга фарзандларининг имтихондаги иштирокини онлайн кузатиб бориш имконияти яратилган.

Натижалар «Cambridge Assessment International Education» ташкилоти томонидан аниқланади.

Синовлар қизғин, талабгорлар жуда ҳам кўп, демак, рақобат ҳам шунга яраша кучли. Шундай экан, юксак билим, иқтидор ва ис-

теъдод эгаси бўлган интеллектуал ёшларга Президент мактабларида ўқиш насиб этади. Наманганда эса буюк келажак сари қатъий аҳд билан интилаётган, баланд марралар, юксак чўққиларни илм-маърифат билан забт этишга чоғланган ёшлар кўп. Президент мактабига қабул учун бўлиб ўтаётган имтихонларнинг дастлабки bosqichida 25 нафар ўқувчи жами 30 та тест саволининг барчасига

тўлиқ ва мукамал жавоб бериб, 96 баллик юксак натижани қўлга киритгани ҳам шундан далолат беради. Бу эса, мамлакатимизнинг тўртта ҳудуди, яъни Тошкент шаҳри, Наманган, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида бўлиб ўтаётган имтихон натижаларига кўра юқори кўрсаткичдир.

Ақромжон САТТОРОВ, ЎЗА мухбири



КУН НАФА СИ

«Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки иштирокида «Фарғона водийсида қишлоқ тадбиркорлигини ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

«Хуқуқий ахборот» канали

«Мактабгача таълим соҳасига инновацион ёндашувларни жорий этиш лойиҳаларини амалга ошириш учун экспериментал майдончаларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ҳукумат қарори қабул қилинди.

«Хуқуқий ахборот» канали

Президент Шавкат Мирзиёев Бельгия қирол Филиппни миллий байрам — Қирол қасам-ёди кuni билан табриқлади.

Президент матбуот хизмати

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Колумбия Республикаси Мустақиллиги кuni муносабати билан Президент Иван Дуке Маркеса табриқ йўллади.

Президент матбуот хизмати

«Тошкент-Қизилўрда» йўналишида мунтазам халқаро автобус қатновлари йўлга қўйилди.

Транспорт вазирлиги ахборот хизмати

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузурда Интеллектуал дастурий тизимлар илмий-амалий маркази ташкил этилди.

kun.uz

Тошкент вилоятида Астрахань давлат техника университети (Россия)нинг филиали очилади.

xabar.uz

Ўзбекистонда электромобилларни олиб қирганлик учун акциз солиғи бекор қилинди. Келгуси йилдан бошлаб божхона божининг ноль ставкаси ҳам қўлга киради.

lex.uz

БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияси қабул қилинганнинг 30 йиллигини нишонлашга бағишланган тадбирлар дастури тасдиқланди.

Адлия вазирлиги матбуот хизмати

Йил бошидан буюн Ўзбекистон аҳолиси сони 0,8 фоизга ўсиб, 1 июль ҳолатида 33,52 миллион нафарга етди.

Давлат статистика қўмитаси матбуот хизмати

Жорий йилнинг 6-11 август кунлари Қарши шаҳрида шахмат бўйича Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Исмат Шукуров хотирасига бағишланган «Karshi Open-2019» халқаро турнири бўлиб ўтади.

Шахмат федерацияси матбуот хизмати

Соғлиқни сақлаш вазири клиник ўлим ҳолатидаги болани қутқариб қолган шифокорни «Соғлиқни сақлаш аълочилиси» кўкрак нишони билан мукофотлади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги матбуот хизмати

Каратэ бўйича Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси 7 та медални қўлга киритди.

МОҚ матбуот хизмати

«Тошкент» автовокзалдан «Тошкент-Навоий» йўналишида мунтазам автобус қатнови йўлга қўйилди.

Транспорт вазирлиги матбуот хизмати

Ўзбекистонда Нобель мукофоти лауреатлари америкалик иқтисодчи Ричард Талер ва ҳуқуқшунос Касс Санстейннинг иқтисод бўйича назарияси синовдан ўтказилди.

Инновацион ривожланиш вазирлиги матбуот хизмати

Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрида ўтказилган баскетбол бўйича халқаро турнирда юртимиз жамоаси бош совринни қўлга киритди.

uza.uz

Янги «gis.uzedu.uz» сайти ота-оналарга ўзларининг микроҳудудлари ва улардаги мактабларни аниқлаб олиш имкониятини беради.

Халқ таълими вазирлиги матбуот хизмат

Қонун лойиҳаси — муҳокамада!

Касаба уюшма ходимларига касб байрами белгилансин...

Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар нафақат юртимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда, балки ҳар бир инсон тақдирида ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда десам, асло муболаға бўлмайди.

Иқтисодий ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, муҳими, ижтимоий дастурларни бажариш, энг асосийси, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш йўлида замонавий ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш ва инвестициялар ҳажмини кенгайтириш ишлари изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Сурхон воҳасида ҳам бу борада ибратли ишларга гувоҳ бўлиш мумкин. Мисол учун, «ZIF TEXTILE» МЧЖнинг Термиз шаҳрида тикув-трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш, «Шошмоқшоб» агро-саноат фирмасининг Денов туманида матони тўқиш, бўяш ва тикув цехи ташкил этилаётгани, «Exclusive Golden» МЧЖнинг Олтинсой туманида узумчилик кластерининг йўлга қўйилгани, Термиз шаҳридаги «Машхура» диагностика маркази ташаббуси билан Ўзбекистон-Хиндистон замонавий тиббий клиникаси очилаётгани сингари турли йўналишларда 40 дан ортқ бизнес лойиҳаларнинг амалга оширилаётгани фикримизнинг ёрқин далилидир.



Қум бағридаги марварид

УЛКАН ҚУРИЛИШ МАЙДОНИ

Бугун мамлакатимизнинг олис ҳудудларидан бири бўлган Мўйноқ тумани улкан қурилиш майдонига айланган. Жорий йилнинг 20 февралдаги «Обод қишлоқ» дастурини 2019 йилда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарорига мувофиқ Мўйноқ туманининг маркази ва учта маҳалласида бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Туман марказидаги 20 та кўп қаватли уйда қурилиш ишлари авжида. Ажиниёз номидаги шоҳқўчада эса амфитеатр, стадион, маданият маркази, музей иморатлари ва бошқа маданий-маиший объектлар аллақачон иш бошлаган.

ҲАММАСИ РЕЖА АСОСИДА

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 16 январдаги 37-сонли қарори билан тасдиқланган «2019-2021 йилларда Мўйноқ туманини

жадал комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури»га асосан айни пайтда тумандаги 75 та объектда қурилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғорғи Кенгесида ҳар ҳафтада бўлиб ўтадиган йиғилишда бажарилган ишлар таҳлил этилиб, ечимини кутаётган масалалар ва камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўрилмоқда.

3»

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизими ҳамда ҳудудий бирлашмаларига жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатлар таҳлили (2019 йилнинг 1 январидан — 1 июлигача)





Қонун лойиҳаси – муҳокамада!

Ваколат тўлиқ бўлса...

«Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси мамлакатимиздаги ҳар бир касаба уюшма фаоли қатори мени ҳам фикр билдиришга ундади.

Хўш, нега янги қонун лойиҳаси муҳокамага қўйилди? Чунки, бозор иқтисодиёти шароитида ишчи-ходим яхшигина иш ҳақи, қулай иш шароити ҳамда тўлиқ ижтимоий кафолатлар билан таъминланган бўлиши лозим. Амалдаги «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун эса 1992 йил 2 июлда, ҳали давлатимиз мустақиллигига бир йил ҳам тўлмаган пайтда қабул қилинган. Ўтган йиллар давомида қонунга тузуқроқ ўзгартириш ва тузатишлар киритилмади. Касаба уюшмалари аста-секин кўпгина ваколатларини йўқотиб борди.

Янги қонун лойиҳасида тизимнинг мавқеини юксалтириш қай даражада ўз ифодасини топган? Келинг, бу ҳақда бироз муҳокама қилсак. 30-моддага назар ташласак, унда касаба уюшмаларининг меҳнат ва ижтимоий ривожланиш соҳасида қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқи ҳақида гап боради. Яхши эслаймиз: илгари қонун ҳужжатларида Ўзбекистон касаба уюшмалари кенгаши қонунчилик ташаббусига эга, деб аниқ-лўнда ёзиб қўйилганди, қолаверса, касаба уюшмалари катта кучга эга эди. Тизим мутасаддилари республиканинг раҳбарлик органлари аъзоси бўлганини эсга олсак, масала янада ойдинлашади.

Бора-бора ахвол шу даражага етдики, парламент аъзолари орасида тизим вакиллари жуда кам сонни ташкил этди. Узоқ йиллар олдин Олий Мажлисга сайловда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси иккинчи такрорий овоз бериш жараёнида депутатликка қандай сайланганини кўпчилиги яхши эслайдди.

Хулоса шунки, янги қонун лойиҳасининг 30-моддасини қуйидаги кўринишга келтириш лозим: **Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қонунчилик ташаббусига эга.**

Тан олиш керакки, кейинги уч йил мобайнида касаба уюшмалари уйғонмоқда ва аввалги шон-шухратини тиклаш йўлида қатор ишлар амалга оширилди. Мазкур жараён изчил давом этиб, жамоат ташкилотимиз нуфузи янада ошишига умид қилиб қоламиз. Бунинг учун эса ҳуқуқий мақом юксалиши даркор.

Маълумки, Меҳнат кодексининг 9-моддасида меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва меҳнатни муҳофаза қилиш шартномасига алоқадорлиги таъминлаш тўғрисидаги қонун лойиҳасининг 57-моддаси 9-сўзбошига қуйидагича ўзгартирилса, мақсадга мувофиқ бўларди:

«Касаба уюшмаларига жамоа шартномалари, келишувларида белгиланган маблағни ўз вақтида сўзсиз ўтказиш. Ишдан озод этилган бошланғич касаба уюшмалари етакчиларига корхона, ташкилотда маблағ етишмовчилиги бўлган ҳолатларда корхона раҳбари муовини мансаб оклади миқдориди иш ҳақини корхона ҳисобидан қоплаш;

Ишдан озод этилган касаба уюшмаси етакчисини корхонанинг коллегия раҳбар органларига, шу жумладан, бошқарув аъзоси ва бошқарув тарихи бўлмаганда, корхона Кузатув кенгаши таркибига сўзсиз киритиш».

Хуллас, янги ҳужжат лойиҳаси жамоатчилик муҳокамаси жараёнида билдирилмаган фикр ва таклифлар билан тўлдирилди ҳамда шу орқали мукамал ва ҳаммага манзур бўладиган қонун қабул қилинишига эришилади, деб умид қиламиз.

Озод ХУШНАЗАРОВ,
«Охангароншифер» акциядорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси

даси 6-сўзбошида касаба уюшмалари инспекциялари томонидан меҳнат қонунчилиги, меҳнат муҳофазаси ва жамоа шартномаси мажбуриятлари бажарилмагани аниқланганда, айбдор шахсларни маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиш юзасидан киритилмаган тақдирларнинг бажарилиши мажбурийлиги белгиланиши керак.

Яна бир гап. Масалан, «Охангароншифер» АЖда акцияларнинг 54 фоизи давлатга ва 35 фоизи эса чет эллик акционерга тегишли. Шу йилнинг 12 июль кунини корхона акциядорларининг умумий йиғилишига оддий ишчилар киритилмади. Хуллас, ишчилар корхонани бошқариш ва бошқа муҳим ижтимоий-иқтисодий масалалар юзасидан ўз фикрларини билдиришдан маҳрум қилинди. Чунки корхона Кузатув кенгаши ҳеч қандай юридик шахс эмас ва шунинг учун ҳам корхона жамоасининг ҳеч қандай муражзаатига аслида жавоб ҳам бермайди.

Кези келганда айтиш керакки, Охангаронда қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган кўплаб хусусий корхоналар бор. Улар ўз корхоналарида касаба уюшмалари тузишга тиш-тирноғи билан қаршилиқ қилмоқда. Чунки оғзаки шартлар билан ишлашга рози фуқаролар ишдан қайтиб келишди. Комил ишонч билан айта оламизки, ҳар бир корхонада ишчи-ҳодимларни ҳимоя қиладиган касаба уюшмаси бўлиши шарт ва биз баъзи иш берувчиларга касаба уюшмасини тузиш зарурлиги ва унга аъзо бўлишининг афзалликларини сабот билан тушунтиришимиз зарур.

Бундан ташқари, бошланғич ташкилотларнинг мавқеи ва таъсир кучини ошириш муҳим масала ҳисобланади. Шу мақсадда қонун лойиҳасининг 57-моддаси 9-сўзбошига қуйидагича ўзгартирилса, мақсадга мувофиқ бўларди:

«Касаба уюшмаларига жамоа шартномалари, келишувларида белгиланган маблағни ўз вақтида сўзсиз ўтказиш. Ишдан озод этилган бошланғич касаба уюшмалари етакчиларига корхона, ташкилотда маблағ етишмовчилиги бўлган ҳолатларда корхона раҳбари муовини мансаб оклади миқдориди иш ҳақини корхона ҳисобидан қоплаш;

Ишдан озод этилган касаба уюшмаси етакчисини корхонанинг коллегия раҳбар органларига, шу жумладан, бошқарув аъзоси ва бошқарув тарихи бўлмаганда, корхона Кузатув кенгаши таркибига сўзсиз киритиш».

Хуллас, янги ҳужжат лойиҳаси жамоатчилик муҳокамаси жараёнида билдирилмаган фикр ва таклифлар билан тўлдирилди ҳамда шу орқали мукамал ва ҳаммага манзур бўладиган қонун қабул қилинишига эришилади, деб умид қиламиз.

Озод ХУШНАЗАРОВ,
«Охангароншифер» акциядорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси

ларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатлари ҳимоясини таъминлашга алоҳида эътибор қаратдик. Бош келишув асосида Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, ҳудудий бирлашмамиз ва Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид минтақавий келишув имзоланиб, касаба уюшма хизматига олинган 12036 та юридик шахсларнинг 12029 тасида қабул қилинган жамоа шартномалари асосида 294246 нафар ишловчининг манфаатлари муносиб ҳимоя қилинмоқда. Жамоа шартномаларига ҳодимларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтирувчи меъёрлар, иш ҳақи миқдорини оширишни назарда тутувчи бандлар, иш вақти ва дам олиш вақти соҳасида кўшимча

имтиёзлар, ижтимоий ҳимояни кенгайтириш чоралари киритилиши натижасида уларни бажариш учун вилоятимиз бўйича ўрта ҳисобда бир ҳодимга йил давомида сарфланган маблағ 2 миллион сўмга яқинлашди.

САВОБГА ЙЎҒРИЛГАН ФАОЛИЯТ

Инсонларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш фаолиятимизнинг бош шioriриди. Бирлашма фаолиятларнинг ҳамкор жамоат ташкилотлари билан биргаликда уйма-уй юриб, муаммоларни ўрганиб, жойида ижобий ҳал этиш узуқ-сиз йўлга қўйилган. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги «Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида 2017 – 2018 йилларда бир қанча ишлар амалга оширилди. Айниқса, кам таъминланган, ердан кам муқожа олинган ҳолатда қолган олиғлиқ уларга кўрсатилаётган бегараз ердан қўйилган маҳкам бўлмоқда. Ўтган йилда 3010 та хонадонга қарийб 2 миллиард 900 миллион сўмлик газ плита ва газ баллонлари, чангочтич, кир ювиш машиналари каби маиший техникалар олиб берилди. 490 та оиланинг уй-жойи учун 5 миллиард 500 миллион сўм маблағ ажратилиб, мукамал таъмирланди. Бундан-да қувончлироқ, касаба уюшмалари бош бўлиб 65 та кам таъминланган, но-чор оилага 6 миллиард 900 миллион сўмлик янги уй-жойлар қуриб берилди. Шу билан бирга, 168 нафар беморнинг соғлигини тиклаш учун 640 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Эзгу ишлар бугун ҳам давом этмоқда.

Касаба уюшма ҳодимларининг уйма-уй юриб шакллантирилган руйхатига асосан, Вазиран Маҳкамасининг 2017 йил 20 октябрдаги «Кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш таъминлаш учун тижорат банклари томонидан микрокредитлар ажратиш тартиби тўғрисида»ги қарори билан тижоратчилик, иссиқхона, парранда, чорвачилик йўналишларини ривожлантириш учун 964 та оилага 9,1 миллиард сўмлик 4 фозили имтиёзли кредитлар олишида амалий ёрдам кўрсатилди. Яна 46 нафар келин-куёвнинг никоҳ тўйларини, 355 нафар болажоннинг тунаш тўйларига бош-қош бўлиб, бунинг учун 1,1 миллиард сўм маблағ сарфланди. Бундан ташқари, ўтган уч йил давомида 20 нафар ногирон фуқарога 31,5 миллион сўмлик тижув машиналари олиб берилиб, уларнинг доимий иш ўрни билан таъминланишига кўмаклашилди.



Абдукарим АХМЕДОВ, Сурхондарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси

Касаба уюшма ходимларига касб байрами белгилансин...

зиёд хорижликлар ҳам дам олиб, яратилган шароитлардан мамнун эканлигини изҳор этишди.

Мустақиллигимизнинг 28 йиллиги арафасида эса Олтинсой тумани марказида 200 ўринли «Хўжайпоқ» санаторийси қуриб битказилди. Бу ерда 100 нафар маҳаллий ёшлар, мутахассислар ўзларининг муқим иш жойига эга бўлади. Сихатгоҳда йилига 5000 нафардан ортиқ киши саломатлигини тиклайди.

иқтисодий ҳимояни кенгайтириш чоралари киритилиши натижасида уларни бажариш учун вилоятимиз бўйича ўрта ҳисобда бир ҳодимга йил давомида сарфланган маблағ 2 миллион сўмга яқинлашди.

МЕҲНАТКАШАГ ЕЛКАШ БЎЛИБ

Шу кунларда «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кенг муҳокама қилинмоқда. Мазкур қонунни қабул қилиш бўйича жиддий ҳаракат бошланган бежиз эмас. Чунки касаба уюшмалари бугунги тезкор ва шиддатли даврга мос қадам ташлаши учун етарли ҳуқуқий мақомага эга бўлиши зарур. Амалдаги қонун эса бирмунча эскиргани боис бизга бундай имкониятни тўлиқ бермайди.

Ўқиб-ўрганиб, фикр-муҳокама қилиб амин бўлдики, янги қонун лойиҳасининг афзал жиҳатлари жуда кўп. Энг асосийси, касаба уюшмаларининг ҳуқуқ ва манфаатлари, фаолиятининг шаффоф механизми ва кафолатларини таъминлаш кўзда тутилган.

Ҳеч кимга сир эмаски, тизимда минглаб кадрлар ишловчиларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда касаба уюшмалари мавқеини юксалтириш бўйича ўз тақдирини билдирмоқчиман.

Маълумки, юртимизда кўплаб соҳа ходимлари касб байрамлари нишонлайди. Касаба уюшмалари ҳодимларининг эса бундай байрами йўқ. Шу маънода мамлакатимизда махсус бир сана «Касаба уюшмалари кун» дея белгиланса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Шак-шубҳа йўқки, ўзини амалга оширилайётган инсонпарвар ислохотларнинг жонқуяр, фаол ижроси деб билган соҳа вакиллари бунга муносибдир. Хусусан, вилоятимиздаги 2800 тадан зиёд корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган 400 минг нафардан зиёд, нодавлат секторда ишловчи 285 минг нафардан ортиқ аъзоларининг ҳар бирига муносиб дам олиши, соғлигини тиклаши, иш шароитлари яратилиши, қўйинги, барча-барчасида жамоат ташкилотимизнинг ўрни бор. Сўзимиз қуруқ бўлмаслиги учун амалий ишлар ифодаси бўлиши далили ва рақамларга муражзаат қилсак. 2017 йил – «Фаол тадбиркорлик, инновация оғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» Давлат дастури доирасида ишчи-ҳодим-

АЁЛГА ҒАМХЎРЛИК – ҲАЁТГА ҒАМХЎРЛИК

Мухтарам Президентимизнинг «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлашда ҳам вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенг қўллаб-қувватлашга асосан ишларни амалга ошириб келмоқда. Хусусан, ўтган 2018 йил давомида 7981 нафар хотин-қизга 1 миллиард 28 миллион сўмлик ижтимоий ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, Термиз шаҳридаги 19 нафар ногиронлиги бўлган, кам даромадли аёлларимизга 28,5 миллион сўмга «ЯМОТА» номли замонавий энг сўнгги русумдаги тижув машиналари олиб берилиб, уларнинг касаначилик билан шугулланиши учун шарт-шароит яратилди. Йил давомида 568 нафар ишчи-ҳодимнинг Самарқанд, Бухоро, Навоий, Тожикистоннинг Душанбе шаҳрига саёҳати уюштирилди.

Касаба уюшмалари ҳисобидан кам таъминланган оилалардаги 56 нафар ногирон хотин-қизга 5 миллиард 880 миллион сўмлик уй-жойлар қуриб берилмоқда.

Қайд этиш жоизки, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга тобора эътибор кучайиб бормоқда. Бунинг исботи учун биргина мисолни келтириб ўтиш жоиз. Жаркўрғон туманидаги «Урикли» маҳалласида яшовчи Ҳафиза Қурбоналиеванинг муражзаати ўрганиб чиқилиб, ижобий ҳал этилди. Яъни у ўз хизмат вазифасига қайта тикланди.

Мамлакатимизда амалга оширилайётган ислохотлар замирида «Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун!» деган ғоя мужассам. Ана шу ҳаётбахш ғоя асосида қабул қилинаётган қатор фармон ва қарорлар касаба уюшмаларининг ҳам фаолият майдонини кенгайтирмоқда, уни тобора халққа яқинлаштирмоқда. Одамларни рози қилиш – устувор мақсадимиз. Биз бу мақсадга, бир сўз билан айтганда, ишчи-ҳодимларнинг ижтимоий-иқтисодий, меҳнат ва ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш билан эришамиз. Зеро, ҳар бир ишчи, ҳар бир инсон касаба уюшмалари тисмолида, таъбир жоиз бўлса, ўзининг сўянган тоғини, эркин ишлаш кафолатларини, ҳақ-ҳуқуқларининг мустаҳкам ва ишончли ҳимоячисини кўрмоғи лозим.

ФАОЛИЯТГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

«Бахт текстиль» МЧЖнинг 250 нафарга яқин ишчи-ҳизматчиси иштирокида бўлиб ўтган тадбирда «Халқ сўзи» ва «Ishonch» газетасида чоп этилган «Ижтимоий ҳимоя сўзда эмас, амалда бўлиши керак» сарлавҳали мақолада белгиланган аҳамиятга молик фикрлар муҳокама қилинди.

Мулқот чоғида корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Н. Холмамова мақолада келтирилган ўринли таҳлилий-танқидий ёндашув, касаба уюшмасига аъзолик афзалликлари, Касаба уюшмалари Федерациясининг ходимлар манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш кадрларни қўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътибори хусусида сўз юритди.

Қарор қабул қилинди

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Зарафшон шаҳар ташкилотини тузиш бўйича йиғилиш ўтказилди.

Зеркишга вақт йўқ

Қизилтепа туманида жойлашган «Дўстлик» оромгоҳида болажонларнинг мириқиб дам олиши учун қулай шароит муҳайё қилинган.

Оромгоҳимиз 3 навбатда фаолият юритиб, ҳар бирида 100 нафардан ўғил-қиз дам олдирилди, – дейди «Ванғози агроэкспорт» МЧЖга қарашли «Дўстлик» оромгоҳи бош етакчиси Олтиной Давронова. – Уларнинг вақти мазмунли ва эсда қоларли ўтиши учун спорт, музика, расм, инглиз тили, компьютер саводхонлиги тўғралакларни ташкил этилган.

Давлатимиз раҳбари илгари сурган 5 та муҳим ташаббус бўйича ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ўтказилаётган турли мавзулардаги маданий-маърифий тадбирлар, айниқса, болажонларга манзур бўлмоқда.

Ёш аъзолар Хивада

Навоий вилоятидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган 40 нафарга яқин фаол ёшларнинг Хивага саёҳати ташкил этилди.

Ушбу саёҳат уларни қўхна ва бой тарихий меросимиз билан яқиндан таништириб, қалбларида Ватанга бўлган муҳаббатни янада оширишга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Дилафрўз УРОВОВА,
Навоий вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси



БИР ЙЎЛА УЧТА БРОНЗА

Мустақиллигимизнинг 28 йиллигига муносиб туҳфа

Юртимизда иқтидорли ёшлар кўп. Айниқса, кейинги йилларда маълум фан ёки йўналишлар чучук ўргатилаётган мактаб ва лицей ўқувчилари уларга алоҳида ихтисослашган тарзда берилмаган билим ҳамда эътиборга халқаро майдонларда ўзларининг муносиб ютуқлари билан жавоб бермоқда. Хусусан, шу пайтга қадар халқаро фан олимпиадаларида математика ва кимё бўйича юқори натижаларга эришиб келинаётган эди. Эндилди бундай натижаларга биология

фани ҳам қўшилганидан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Венгрия пойтахти Будапешт шаҳрида ўтказилган биология фанидан 30-жаҳон олимпиадасида мамлакатимиз ёшлари узоқ ва орзиқиб қутулган натижани қўлга киритишди. Тошкент педиатрия тиббиёт институти ва Навоий давлат қончилик институти қошидаги академик лицейларнинг ёш биолог ўқувчилари бир йўла 3 та бронза медал соҳиби бўлишди. Соғиндорлар билан танишинг:

Иқтидор эътирофи

улар – Саидхон Валижонов, Хосиятхон Қудратова ва Хусейнжон Эгамовлардир.

Ёшларимизнинг ушбу армуғони нафақат улар таҳсил олаётган таълим даргоҳларидаги устозларга фахр ва ифтихор, балки бутун Ўзбекистон таълим тизими аҳли учун катта қувонч ва шараф олиб келди. Иқтидорли ўқувчилар ва уларнинг устозларини, таълим соҳасида меҳнат қилаётган педагогларни ушбу ютуқ билан самимий қутлаймиз!



Зебо НАМОЗОВА, «Ishonch»

Сирдарё вилоятидаги пахтачилик фермер хўжаликлари ҳамда кластерлари ишчи ва ходимларининг мамлакатимизнинг миришкор фермер ва деҳқонларига М У Р О Ж А А Т И

Қадри дўстлар!

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев 2019 йил 18 июль кунини вилоятимизга ташрифи чоғида пахта далаларида бўлиб, ғўза ривожига қўйилган танишди.

Давлатимиз раҳбари биз – фермерлар билан бўлган учрашувда бу йилги мавсумни пахтачиликда ҳам муваффақиятли яқунлаш бўйича олдимизда турган вазифаларни алоҳида таъкидлаб, уларни ҳал этишнинг йўли-йўриқларини аниқ-равшан кўрсатиб берди.

Президентимизнинг «Чўл қўеши ва ҳаёт синовларида тобланган, омилкор, азму шижоатли сирдарёлик фермерлар ғўза парвариши борасида зарбдор 40 кунлик эълон қилиб, шу вақт мобайнида ўзларини аямасдан, астойдил меҳнат қилиб, вилоятда ғалла етиштириш бўйича эришилган ютуқлар тасодиф эмаслигини исботлайдилар, деб ишонаман. Воҳанинг азамат деҳқонлари қишлоқ хўжалигидан юқори ҳосил ва катта даромад олиб, фаровон ва бадавлат яшага тўла ҳаққидирлар. Бугун даладаги ғўзанинг барваж ривожини кўриб, бунга ҳар томонлама амин бўлишимиз, деган фикрлари бизни янада руҳлантириб юборди. Бу сўзлар биз учун албатта дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Ҳақиқатан ҳам, бу йилги мавсум пахтачиликда мўл ҳосил етиштириш учун жуда қўлай келди. Бу борада қишлоқ хўжалиги ходимларининг моддий манфаатдорлигини ошириш, ғўзани парвариш қилишда агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш, соҳага инновацион технологияларни жорий этиш учун давлатимиз томонидан барча шароитлар яратиб берилганлиги биз – деҳқон ва фермерларнинг кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшмоқда.

Айниқса, пахтанинг харид нархи ўтган йилга нисбатан қарийб 1,3 баробар оширилиб, унинг 1 тоннаси учун 4 миллион сўм нарх белгилангани, имтиёзли кредитлар, минерал ўғитлар, ёқилги-мойлаш маҳсулотлари ўз вақтида жойларга етказиб берилганлиги бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бундан ташқари, бу йилги об-ҳаво шароитида зарарли ҳашаротлар кўп бўлганини ҳисобга олиб, уларга қарши курашиш учун республикамиз бюджетидан дотация сифатида 120 миллиард сўм, жумладан, Сирдарё вилояти фермерларига 10,5 миллиард сўм маблағ ажратилганини таъкидлаш зарур.

Бу йил пахтачиликка томчилатиб сўғориш технологияларини жорий этган фермерларга давлат бюджети ҳисобидан ҳар бир гектар ер учун 8 миллион сўмдан субсидия маблағи ажратилаётгани ҳам муҳим рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Соҳа ривожига қаратилган яна бир амалий эътиборни алоҳида қайд этиш лозим. Икки йилдан буён фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларига қарашли насос агрегатлари томонидан сарфланаётган электр энергияси қиймати давлат бюджетидан ажратилган субсидиялар ҳисобидан қўллаб берилмоқда.

Сўнги йилларда қўшилган қийматга эга рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга асосланган пахта-тўқимачилик кластерлари ташкил этилаётгани пахтачилик тармоғидаги энг муҳим янгиликлардан бири бўлди.

Жорий йилда вилоятимизда 38 минг гектар ерда ўқимчилик пахта майдонининг 52 фоизда 5 та замонавий кластер қорхонаси фаолият олиб бормоқда. Улар томонидан 350 дан ортиқ янги қишлоқ хўжалиги техникалари харид қилинганлиги эътиборли.

Бу ислохотларнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, кластерларнинг тажрибали мутахассислари далага чигит экилганда буён биз билан ёнма-ён туриб, ғўза парвариши билан боғлиқ барча агротехник тадбирлар ўз вақтида ўтказилишига яқиндан қўмақлашмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг биз – фермер ва деҳқонларга кўрсатаётган улкан эътибор ва ғамхўрлиги, камтарона меҳнатимизга бериб келаётган юксак баҳоли қўлаб берилганлиги ва гуруҳ бағишлаб, ўз кучимизга бўлган ишончимизни янада оширади, айни вақтда зиммамизга катта масъулият ҳам юклайди.

Бу масъулият биздан янада самарали меҳнат қилишни, қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари қатори пахтачилик бўйича зиммамизга олган шартнома мажбуриятимизни ҳам шараф билан адо этишимизни тақозо этишини албатта барчамиз яхши англаймиз.

Айниқса, ҳосил тақдирини ҳал қилувчи палла бошланаётган шу кунларда бу ҳақиқатни барчамиз чуқур ҳис этмоқдамиз.

Чиндан ҳам, машаққатли меҳнат ва катта харажат эвазига етиштирилаётган ҳосилни нафақат тўла сақлаб қолиш, балки уни янада кўпайтириш мақсадида қишлоқ хўжалиги ходимлари ва мутасаддилари, сувчи ва механизаторлар, аграр соҳа мутахассислари билан биргаликда барча фермер ва деҳқонлар масъулиятини икки қарра ошириб, кун-у тун далада бўлишимиз, бир тан-у бир жон бўлиб ишлашимиз ҳамда бу йил ғалла каби пахтадан ҳам мўл ҳосил ва юқори даромад олишимиз шарт.

Кўпни кўрган тажрибали фермер ва деҳқонларимиз июль-август ойлари бўйи айна ривожланидиган, деҳқончасига айтганда, экин кеча-ю кундуз кучга кирадиган, ҳосил тўплайдиган энг долзарб палла эканини, бу даврда қандай агротехник ишлар амалга оширилиши зарурлигини жуда яхши биладилар.

Буни тўғри тушунадиган вилоятимиз фермерлари 2019 йил пахта ҳосили учун тузилган контрактация шартномаларини қайта кўриб чиқдилар. Натижада пахта етиштирадиган 1 минг 474 та фермер хўжалигининг 282 таси режадаги 26,7 центнер ўрнига гектаридан 40 центнердан, 897 таси 35 центнердан ва 295 таси 30 центнердан юқори ҳосил олиш учун янгитдан шартномалар тузиб, пахта тайёрлаш шартномавий режасини вилоят бўйича ошириб бажаришга қарор қилдилар.

Ҳўрматли миришкор фермер ва деҳқонлар!

Биз – сирдарёлик фермер ва деҳқонлар, пахтачилик кластерларининг ишчи ва ходимлари ғўза ривожига ўта долзарб аҳамиятга эга бўлган ҳозирги кунларнинг ҳар бир дақиқасини ғанимат билиб, 20 июлдан 30 августга

бўлган муддатни мамлакатимизда «Ғўзадан кашарлатилган ҳосил яратишнинг 40 кунлик зарбдор ойлиги» деб эълон қилишни тақлиф этамиз.

Ана шу зарбдор давр мобайнида куйидаги тадбирларни амалга оширишга жиддий эътибор қаратишимиз зарур, деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, ташкилий ишларни яна бир марта, бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда, қайтадан, пухта режалаштириб олайлик.

Иккинчидан, деҳқонларимизнинг тўплаган кўп йиллик бой тажрибасига таяниб, замонавий илм-фан ютуқлари, инновацион агротехнологияларни қўллашга алоҳида эътибор қаратайлик.

Сир эмас, кейинги йилларда глобал иқлим ўзгаришларининг салбий оқибатлари юртимизда ҳам сезилмоқда. Жорий йил 11 июлдан буён республикамизнинг барча ҳудудларида қуруқ ва жазирама ҳаво сақланиб қолмоқда. Ҳарорат ўтган йилларнинг шу давридаги ўртача меъёрдан 5-7 даража юқори бўлмоқда.

Бундай ҳолат барчамиздан янада тадбиркорлик билан ишлашни талаб этади. Биз табиат инжиқликларини ўз билан, тажриба ва маҳоратимиз билан мардонвор энгиз ўтишимиз, ўтган йиллардаги натижалар билан чекланиб қолмасдан, янада юқори марраларни кўзлаб иш тутишимиз лозим.

Шу кунларда сувчилар сонини икки баробар кўпайтириб, улар учун зарур шароитлар яратиб, кеча-ю кундуз ғўзани сифатли сўғоришни таъминлайлик.

«Зар қадрини заргар, сув қадрини сувчи билади», дейди халқимиз. Шу ҳикматга амал қилиб, сувнинг бир томчисини ҳам исроф қилмасдан, ғўзани фақат тунда, қатъий тизим асосида, шарбат усулида сўғориб, ғўзанинг тагида доимо нам сақланишига алоҳида эътибор қаратайлик.

Учинчидан, мавжуд культиваторларни даладан чиқармасдан, уларнинг «отряд» ва «наряд» тизимида ишлашни ташкил этиб, сўғорилган майдонлар тобга келиши билан уларни пешма-пеш «майин» культивация қилайлик.

Тўртинчидан, ғўзани чеканга қилишни 25

июлга қадар тўлиқ яқунлаб, зараркунанда ҳашаротларга қарши комплекс ёндашув асосида курашишни давом эттириб, ғўзага маҳсул препаратлар билан ишлов беришга ҳамда ушбу тадбирларни куннинг салқин пайтларида амалга оширишга аҳамият берайлик.

Муҳтарам айтганда, табиат ўзбек деҳқонларининг нимага қодир эканини, уларнинг сабр-бардоши, билим ва тажрибасини яна бир бор синовдан ўтказётган шу кунларда барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, муҳим агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириб, барча саъй-ҳаракатларимизни пахтадан юқори ҳосил етиштиришга йўналтирайлик.

Азиз юртдошлар, қадри фермерлар! Бугун халқимиз бизни «ризқ-рўзимиз бунёдкорлари» деб улуғлаб, азму шижоатимиз, ғайрат ва матонатимизга кўз тикиб турганини бир зум бўлса-да, эсдан чиқармаслигимиз керак.

Дастурхонимиз тўқин-сочин, бозорларимиз ноз-неъматларга тўла ва арзон, турмушимиз фаровон бўлиши бизнинг машаққатли меҳнатимизга боғлиқ. Нега деганда, бугунги кунда пахтачиликнинг нафақат мамлакатимиз санвати ривожига, балки аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдаги ўрни ҳам беқиёс бўлиб, уни ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайди. Хусусан, бозорларимизни гўшт, сут, туҳум каби муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдиршида маъруз тармоқнинг роли нақадар катта эканини унутмайлик.

Биз муҳтарам Юртбошимизнинг юксак ишончини оқлаб, мамлакатимиз равнақи ва халқимиз фаровонлигига муносиб ҳисса қўшиш учун барчангизни сидқидилдан ҳалол ва фидокорона меҳнат қилишга чақирамиз!

Барчангизга сиҳат-саломатлик, эзгу ва олижаноб ишларингизга кут-баракат тилаймиз. Бу йилги мавсумда улкан хирмон барпо этиб, халқимиз олдида юзимиз ёруғ бўлиши ҳаммамизга насиб этсин.

Сирдарёлик фермер ва деҳқонлар.

Қум бағридаги марварид



1 – Мўйноқда фаолият кўрсатаётган ишбилармонлардан Президентимиз ва халқимизнинг умиди катта, – деди Қорақалпоғистон Республикаси Жўрқорғи Кенгесининг Раиси Муса Ернязов. – Янги, замонавий ва кўркам шаҳарни бунёд этишдек масъулиятли, айни дамда шарафли юмуш уларнинг зиммасига юкланган. Белгилаб берилган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажариш учун имконият етарли. Тез орада бу ерда мўъжизавий шаҳарча бунёд бўлади.

ДЕНГИЗ ТУБИДА ЎРМОН

Сувдан бўшган денгиз ўрнида ўрмон барпо этиш ишлари ўтган йилнинг охирида бошланган. Бу хайрли ишга турли вилоятлардан келган кўплаб ҳиммати баланд юртдошларимиз ўз ҳиссасини қўшган бўлса, саховатпеша инсонлар махсус ҳисоб рақамига ҳаққли қудрат маблағ ўтказди. Кўпчиликнинг юки ерда қолмас экан. Айни пайтда денгиз тубидаги салкам 500 минг гектар ерга қўчат ва ўсимлик уруғлари қадалди. Жумладан, 15 минг 500 гектар ерга саксувал, юлғун ва қорабарақ қўчати экилган бўлса, 446 минг гектарга яқин майдонга саксувал ва қорабарақ уруғи сепилди.

– Тўрт-беш йилдан кейин денгиз тубида ўрмон хўжалиги, яйлов ва ўтлоқлар пайдо бўлади, – дейди соҳа мутахассиси Шамил Тўрежанов. – Академик З.Новицкий бошчилигида барпо этилаётган боғ ҳақида ҳали кўпчилик эшитмаган бўлиши мумкин. Айни йилларда Орол бағридаги боғда етиштирилган анвойи меваларни харид қилиш учун Мўйноқ деҳқон бозорига хориждан ҳам хариддорлар келса, ажаб эмас.

МУЗЕЙДАГИ МУЛОҚОТ

Туман марказидаги Экология музейининг очилганига ҳали бир йил ҳам бўлгани йўқ. Лекин қисқа давр ичида кўплаб чет эллик сайёҳлар ва олим-яқиндан келган меҳмонлар ушбу муассасани томоша қилишга улгурди.

– Икки кун аввал франциялик меҳмонлар билан ушбу музейга бўлган эдим, – деди хивалик Раҳимбой Матекубов. – Бугун австриялик саяҳатчиларнинг истагини рўёбга чиқариш мақсадида Мўйноқдаман. Эртга Орол денгизини кўриш учун йўлга чиқамиз.



Бир авлод кўз ўнгига йўқ бўлиб кетган денгизни ҳамда яқин ўтмишни эслаб туришчи кемаларни кузатиш нақадар ачинарли ва ёғир жудалик эканини ҳамма ҳам тушунавермаслиги мумкин.



кетган кемаларни кўриш бамисоли даҳшатли тушга ўхшайди.

– Олис юртдан келиб денгизни кўрмасдан қайтиш дарё бўйига бориб сув ичмаслик билан баробардир, – деди Вена шаҳридан келган меҳмон Марко Хоффер. – Хива, Мўйноқ ва Орол денгизиде кўрганларимизни юртимизга бориб сўзлаб берамиз ва ватандошларимизни ҳам бетакорр мамлакатингизга келиб, ажойиб маданиятингиз, кўп асрлик тарихингиз билан танишишни, меҳмондўст халқингизни пиширган ширин ва мазали таомлардан татиб кўришни тавсия этамиз.

Дарҳақиқат, Мўйноқда бўлаётган ўзгаришлар кўпчиликни хайратта солмоқда.

ЭНДИ ҲАВО КЕМАЛАРИ МЎЙНОҚДА

Бундан икки йил аввал мўйноқлик ишбилармон қиз Манзура Ернязова билан суҳбатлашганимизда, у «Кўча бўйларида тўпланиб, томнинг соясини мушукка бермай ўтирадиган йигитларни кўрсам, ачиниб кетаман», деган эди. Тақдир синовларига матонат билан бардош бериб, бир қўл ва оёқ, бир тараф буйрақдан ажралиб қолган иродали ўшадошимиз бугун тикув цехида 15 нафар қизни иш билан таъминлаган.

– Президентимизнинг туманимизга бераётган эътибори ва мўйноқликларга кўрсатаётган ғамхўрлигини таърифлаб беришга сўз тополмайман, – дейди М.Ернязова. – Яқин келажақда аэропортимизга йирик самолётлар ҳам келишини инobatта олсак, тадбиркорлик соҳасида кашфиётлар қилиш, инновацион гоғлар киритиш учун жуда қўлай фурсат келди.

Дарвоқе, Мўйноқ аэропортида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари алоҳида мавзуга аризулик. Ҳозирда соатига 50 нафар йўловчи хизмат кўрсатиш имкониятига эга замонавий VIR терминалида курилиш ишлари жадал сурьтада.

– Курилиш, таъмирлаш ишлари якунига етган, аэропорт орқали «Боинг» русумидига ҳаво кемаларини ҳам қабул қилиш имконияти туғилади, – дейди «Шўраҳон кури-



лиш монтаж» МЧЖ бош муҳандиси Сабур Нағметов. – Дунёнинг турли бурчакларидан ташриф буюрадиган меҳмонлар учун ҳаво йўллари очилади. Демак, жаҳоннинг ҳаво йўналиши харитасида янги бир қўналға – Мўйноқ бекати пайдо бўлади.

ВАҚТ – ОЛИЙ ҲАҚАМ

Бундан беш-олти ойлар чамаси аввал Нукус шаҳрида мутасаддиларнинг бири билан суҳбатлашиб қолдим. Гап айланб, мавзу Мўйноққа тақалди.

– Катта маблаглар эвазига Мўйноқда шунча ишлар бажарилаяпти, – деди у. – Эр-

тага одамлар Оролбўйига кўчиб борармикан?

– Ҳа, бир пайтлари минглаб тонна балик овланган, йилига юз мингга кундуз ёки сувар терисини етиштирган, юз минг нафардан кўпроқ аҳолисининг тўртдан уч қисми кўчиб кетган туманга одамларни қайтариш осон иш эмас. Ушанда суҳбатдошимизга «вақт – олий ҳақам», деган эдим, холос...

Бу не саодатки, бугун Мўйноқ аҳолисининг сони 31 минг 400 нафардан ошди. Туман марказида бунёд этилаётган 20 та кўп қаватли уйлардан бирини харид қилиш иштиёқида навбатда турганлар сони тобора ошиб бормоқда.

– Мўйноққа келиб яшаш истагини билдираётганлар кўпаймоқда, – деди туман ҳокими ўринбосари Орисланбой Утеулиев. – Янгидан бунёд этилаётган замонавий уйлардан бирини харид қилиш учун навбатда ёзилганлар сони 226 нафарга етди.

БАРЧАСИ БОЛАЛАР УЧУН

Туманда Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси маблағи ҳисобидан 200 ўринга мўлжалланган болалар соғломлаштириш оромгоҳи бунёд этилмоқда.

– Дам олиш марказининг курилиш ишлари етимиш фойза бажарилди, – дейди объект прораби Мансур Машарипов. – Ҳар бир бола мириқиб дам олиб, соғлигини тиклаши учун барча шароит яратилган ҳудудга бирлашма кенгаш мутасаддилари тез-тез «ҳормасинга» келиб туришибди.


Атрофи мевали ва манзарали дараклар билан ихоталанадиган ушбу маскан тез орада болаларнинг энг севилими жойига айланишига шубҳа йўқ. Бир навбатда 200 нафар ўқувчини қабул қилиш имкониятига эга оромгоҳда ногиронлиги бор болалар учун алоҳида шароит яратилади.

ҚИЁСИ ЙЎҚ ШАҲАРЧА

Президентимиз раҳнамоллигида бошланган улуғ ишлар мўйноқликларнинг кайфиятини янада чоғ қилмоқда. Аҳоли ўз туғилиб ўсган жойларини ташлаб кетиш арафасида турган бир даврда бошланган эзгу ишлар Мўйноқни гўзал ва обод гўшага айлантиришга хизмат қилаётир. Бунёдкорларимиз учун Мўйноқ мўъжиза яратадиган майдонга айланган. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, туман марказида Сурхондарё вилояти ҳомийлигида 90 ўринга мўлжалланган мактабгача таълим муассасаси қад ростламоқда. Бундай ҳимматдан ҳар бир қорақалпоғистонлик жуда миннатдор.

Айни кезларда туманда 20 та шаҳарсозлик, 20 та ижтимоий, 6 та маданият, 3 та спорт, 7 та инфратузилма тармоқлари, 2 та туризм, 7 та ирригация тармоқлари, 7 та ичимлик суви, 1 та экология объектида курилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилмоқда. Шаити баланд мўйноқликлар Оролбўйида қиёси йўқ шаҳар бунёд этиш йўлида елкама-елка туриб меҳнат қилмоқдалар.

Ортиқбой МАМУТОВ, «Ishonch»



Ёзги соғломлаштириш

Ўз олдига улкан мақсадларни қўйиб, унга етишиш учун қатъий билан ишловчи кишиларнинг ошиғи ҳаммаша олчи бўлган. Ҳар бир ҳаракат аниқ режа асосига қурилмас экан, «оломонча натижа» билангина кифояланиб қолиш ҳеч гап эмас.

Мароқли ҳордиқ

Ижтимоий ҳаётимиздаги вазиятни яхшилаш юзасидан пухта ишлаб чиқилган беш ташаббус ва уни амалга ошириш учун юзага чиқаётган ҳаракатларни кузата туриб, ёрқин истиқболни тасаввур қилиш мумкин. Чунки бу ташаббуслар бевосита ёшлар, хотин-қизлар ва уларнинг маънавий салоҳиятини ошириш билан боғлиқ. Бугун нималар диққат марказимиздан ўрин олмоқда: ёшларимизга эътибор кучайтириш, уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини ошириш... Бу рўйхатни яна узоқ давом эттириш мумкин.

Наманган вилояти касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси фаоллари бошчилигида оромгоҳларда мана шу хайрли ташаббус бўйича тарғибот тадбирлари уюштирилмоқда.

«Камалак» оромгоҳида икки кунлик тадбир ўтказилди. Фолибларга фахрий ёрликлар, совғалар топширилди. Санъатга ошуфта

Дилдора РАҲМОНОВА, «Ishonch»



Таассуротлар бир олам!

Ўзбекистон касаб а уюшмалари Федерацияси жорий йилнинг март ойидан бошлаб республика ҳудудидаги меҳнат жамоаларида фаолият кўрсатаётган касаб а уюшмаси аъзолари учун алоҳида режа асосида Хоразм вилоятининг диққатга сазовор жойларига саёхат уюштириб келмоқда.

Бу сафар Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаб а уюшмаси Республика кенгаши «Ичан қалъа» мажмуаси ҳамда Урганч шаҳрида жойлашган «Ниез Муҳаммад охун бобо» жоме масжиди, Жалолиддин Мангуберди

«Шарқ гавҳари» дея таъриф берилган қадимий ва навқирон Хива шаҳридаги «Ичан қалъа» мажмуаси ҳамда Урганч шаҳрида жойлашган «Ниез Муҳаммад охун бобо» жоме масжиди, Жалолиддин Мангуберди

Ўзбекистон бўйлаб саёхат қил!


мажмуаси ва Авесто боғи меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

– Ичан қалъани кезар эканмиз, аждодларимиз бунёд этган минора-ю масжидлар, хонақоҳ ҳамда мақбараларнинг салобати ва маҳобати мени олис тарихга хаёлан саёхатга ундади, – дейди Ангрэн кимё саноати касб-хунар коллежи ўқитувчиси М.Исмоилова. – Ота дарвоза олдида туриб, бир пайтлар бу дарвозадан ўтган хонлар, саркардаларнинг қадамларини ҳис этдим. Мовий гумбазлар, осмонўпар миноралар, сержило обидалар гўзалликка ташна ҳар бир инсонни ўзига мафтун этади. Яна бир жиҳати, Урганч шаҳрида жойлашган «Хоразм Палас» меҳмонхонасидаги шарт-шароит ва кечки маданий дастур барчамизга завқ-шавқ бағишлади. Барчаси учун, авваламбор, давлатимиз раҳбари ҳамда Ўзбекистон касаб а уюшмалари Федерациясига миннатдорлик билдирамиз.

Саёхатчилар бир олам таассурот билан қайтишди. Бу кайфият, албатта, уларнинг келгусидаги меҳнат фаолиятида ўз самарасини беради.

Шаҳина ЖҲУРАЕВА,

Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаб а уюшмаси Республика кенгашининг етакчи мутахассиси



Жиззах вилояти

Билим сифати юксак бўлган ҳар бир олий маълумотли мутахассис – жамият бойлиги. Бу билан улар ўзларига ҳам, элга ҳам катта наф келтиради. Жиззах шаҳридаги 22-ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби ўқитувчиси, олий тоифали педагог, халқ таълими аълочиси Феруза Пардаевани ҳеч инкиланмасдан айна шу тоифага мансуб инсонлар сирасига киритиш мумкин.

Ташаббускор муаллима

Муаллима қарийб йигирма икки йилдирки, тарих ва ҳуқуқ фанидан дарс беради. У янги педагогик технологиялардан унумли фойдаланиш, ўз устида мунтазам ишлаш, ўқувчиларни китобга жалб этишининг янада мақбул йўлларини излаб топиш, дарсларни замонавий ахборот технологиялари асосида тингловчиларга қизиқарли тарзда етказишга ҳаракат қилади.

– Феруза мактабимиз фахри, – дейди мактаб раҳбари Дилфуза Садриддинова. – Ҳар бир дарси янгиликка йўнатиш, замонавий ўқитиш услубларидан фойдаланишга ҳаракат қилади. Маълумки, яхши тажриба кўпчилигининг мулкига айланса, самараси янада ортади. Шу боис унинг ўз тажрибаси ва бугунги кун талабларидан келиб чиқиб ёзган услубий қўлланма ва тавсиялари, таълим муассасаларида ўқув жараёнида кенг фойдаланилмоқда.

Одатда, қайси касб-хунарни эгаллаш болаликдаги қизиқиш ва интилишлар билан боғлиқ бўлади. Ота-онанинг фарзандини қайси соҳага йўналтириши мумкин, лекин боланинг ўзи танловчи бўлиши ҳам муҳим. Феруза Пардаева ҳам муаллимликка иштиёқ болаликдан пайдо бўлган. Бу, аввало, оилада опа-сингиллари Наргиза, Ўғилжон, Анора ва Севаранинг ўқитувчиликни танлаб, эл орасида ҳурмат-этибор қозонганига ҳавас туғайли бўлса, иккинчи томондан, халқ таълими аълочиси бўлган отаси Нейматулло Пардаев унинг учун энг фойдодор инсон сифатида қалбида ўқи-

Меҳнатдан қадр топиб...



У фаол жамоатчи сифатида ҳам ҳурмат-этибор қозонган, – дейди Ҳамид Олимжон номидаги маҳалла раиси Саид Эгамбердиев. – У маҳалла фаоли сифатида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, соғлом оилани шакллантиришга қаратилган суҳбат ва кўрик-танловлар ўтказишда бош-қош бўлиб келмоқда. Ҳар йили «Сумалак сайли», «Онам айтган аллалар», «Кичкинтойлар куйлайди», шуниингдек, маҳаллаликларнинг ёшлар билан ишлаш комиссияси, хотин-қизлар кўмитаси бошланғич таълим томонидан ёшлар тарбиясини яхшилашга қаратилган тадбирларни ўтказишда ҳамкорлик қилишга ҳамisha вақт топади.

Ташаббускорлик, янгиликка интилиш, ижод ва изланиш ҳаётининг мазмунига айлантирган муаллима мактаб бошланғич касаб а уюшма кўмитаси раиси ҳамдир. Педагоглар ўртасида соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиш, бўш вақтини мазмунли ўтказиш, жисмоний, интеллектуал ҳамда маънавий етук жамоани шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиб келаяпти. Ўтган ўқув йилида 25 нафар хотин-қизнинг Бухоро, Хива ва Самарқанд шаҳридаги муқаддас қадамжоларини зиёрат қилишида ҳам унинг ҳиссаси катта. 8 та оиланинг эҳтиёжманд фарзанди Зоминдаги ёзги дам олиш оромгоҳида бепул соғломлаштирилди. 7 нафарига даволаниши учун санаторийга йўлланма берилди. Бундан эса барча миннатдор.

Абдулла САИДОВ, журналист

Уч-тўрт киши йиғилган жойда, албатта, «барчамизни тўйларга етказсин», дея дуога қўл очиб азали оdatимиз. Тўйларимизга ҳам гап йўқ. Тўкин дастурхон атрофида бири-бирдан ширин тилаклар билдирилади. Аммо сал ўтмасдан... Кўтилмаган ташвишлар ва ғурбатлар бошланади. Нега? Нима учун?

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази шу долзарб масала муносабати билан уюштирган матбуот анжуманида кўплаб фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.

Таъкидландики, Президентимизнинг 2018 йил 2 февралдаги «Хотин-қизларни кўлаб-қувватлаш ва оила институтини мустақкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони айнан ушбу

Ёшлар ҳаёт сабоқларига муҳтож(ми?)

муаммоларга ечим топиш йўлида муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Марказ ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ажралиш учун ариза берган 878 та оиланинг аризасини қайтариб олишга эришди. 13493 та ажрим ёқасига келиб қолган оила яраштирилди ва 21293 нафар бола ярим етим бўлишдан сақлаб қолинди.

– Тадқиқотлар ёшларнинг тасаввурли реал оилавий ҳаётдан анчайин йироқ, низоли вазиятларни ҳал қилишдаги билими етарли эмаслигини кўрсатмоқда, – дейди «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази директор ўринбосари Дилбар Олимжонова. – Мазкур тадқиқотга жалб этилган 83 фоиз қизлар ва 93 фоиз йигитлар оилавий ҳаёт сабоқлари, албатта, ёшларга ўргатилиши зарур деб ҳисоб-

лагани ҳам бежиз эмас.

Ана шундай тадқиқотлар натижасида «Оила» маркази ёш йигит-қизларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг замонавий тизими сифатида «Келин-куёвлар инновацион мактаб»ни ташкил этди. Жорий йилнинг 6 ойида улар сони 96 тага етказилди. Ушбу мактабларда ёшлар билан интерактив усуллар, креатив ёндашувлар асосида машғулотлар ўтказилмоқда. Бугунги кунга қадар 12564 нафар бўлғуси келин-куёв ўқитилди ва уларга сертификат берилди. Ҳар бир жуфтликка «Оила» маркази томонидан тайёрланган «Мустақкам оилага йўлланма» деб номланган ён дафтарча шаклидаги қўлланма топширилди.

Оилаларни мустақкамлаш, оилавий қадриятларни

сақлаш ва ривожлантириш, намунали оилаларнинг ҳаётий тажрибаларини омалаштириш, шунингдек, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини ошириш мақсадида «Ибратли оила» танловининг маҳалла, туман (шаҳар) босқичлари ўтказилди. Оила қадриятларини мустақкамлашга хизмат қилган «Оила» ҳужжатли фильми, «Оила» мадҳияси ва ижтимоий роликлар, «АКТ орқали мустақкам оила сари» методик мобиль иловаси яратилди.

Анжуманда оила институтини мустақкамлаш борасида келгусидаги режалар ҳам муҳокама этилди.



Комила БОЙМУРДОВА, «Ishonch»

Долзарб мавзу

Юзага чиқаётган иқтидор

Мамлакатимизда тадбиркорлик ривожига берилаётган жиддий эътибор юрагида қўғи бор минглаб ёшларимизни тўлқинлантириб, ботинида мудраб ётган ноёб иқтидорларнинг юзага қалқиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

НАСИБАСИ БУТУН ҚИЗ

қўлда тикилган миллий қуроқ 20 миллион сўмга баҳоланди

Бунинг натижасида узоқ-узоқ қишлоқларимизда яшаётган ёшларимиз орасида фаоллик, интилиш авж олиб, юрт ривожига муносиб ҳисса қўшиш иштиёқи кучайиб бормоқда. Ана шундай иқтидор эгаларидан бири Қудратой Файзуллаевадир. У 1992 йил Навоий вилоятининг Қизилтепа туманидаги «Зармитан» маҳалла фуқоролар йиғинида таваллуд топган.

Таассуф бўлсинки, Қудратой тўрт мучаси соғ инсонлар қатори эшитиш, гапириш бахтига муяссар эмас. Чап қўлининг тирсақдан пасти умуман ривожланмай қолган. Болалигидан ногирон ушбу юртдошимизнинг соғлиги билан боғлиқ нуқсонларини мана-ман деган шифокорлар, жарроҳлар ҳам тузата оли-

мади. Аммо яратган эгам бандаларига ҳамиша ҳаракати, феълига яраша ризқ-насиба беради. Соғлигида нуқсон бўлса-да, Қудратой Файзуллаеванинг номи бутун маҳаллага таниш. Ҳаттоки, туманининг узоқ-узоқ ҳудудларидан уни излаб келадиганлар бор. Чунки, Қудратой бичиш-тиқиш, каштачилик, турли расмлар чизиш ва ўзига хос дизайнлар яратиш, ҳар хил шаклдаги рўзгор жиҳозларини яратиш борасида тенгурларидан анча илгарилаб кетган. Буни қарангки, унинг эски тикув машинасида бир қўлда тиккан миллий қуроғи яқинда йигирма миллион сўмга баҳоланди.

Оиласи камтарона яшаса-да, Қудратой миллий қуроғини мўмай пулга учиб, тўғри келган мижозга сотиб юбор-

мади. Уни бошқа бир харидорнинг топшириги асосида тикканлигини изоҳлаб, керак бўлса, бошқа мижозлари учун бундан ҳам чиройлироқ қилиб тикиб беришини таъкидлади ва ушбу қарори билан кўпчилики янада ҳайратга солди.

Бугун Қудратой Файзуллаева ўз уйида бичиш-тиқиш, расмлар чизиш ва дизайн яратиш хунари билан жиддий шуғулланмоқда. У тикаётган кўрпа-ёстиқ жилдлари, дастурхон, чойнақпўш, келин сарполари, қўлбола елпиш-шамолатиш буюмлари, қанд-курс солиш учун тайёрланган ва миллий расм-русумда безак берилган идишлар, бежирим пояндозлар қизилтепалик замондошларимизнинг ҳавасини келтирмоқда. Ҳалол ва машаққатли меҳнатдан келаётган даро-

мад туфайли бир йўла уч нафар ногирон фарзанд яшаётган оиланинг қозони қайнамоқда.

Қизилтепа тумани тадбиркорликка кўмаклашиш маркази бошлиғи Алишер Жумаевнинг таъкидлашича, Қудратой Файзуллаева яқинда Президент соврини учун ўтказилган «Ташаббус-2019» танловининг туман босқичида қатнашиб, «Менинг юртим – менинг ифтихорим» номинацияси бўйича оғлиб деб топилиб, махсус мукофот билан тақдирланди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, чекка-чекка қишлоқларда Қудратой Файзуллаевага ўхшаган ёш иқтидорлар жуда кўп. Уларни топиш, ноёб истеъдодларини юзага чиқариш, эъозлаш, қўлаб-қувватлаш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир. Шундай экан, кўп қатори Қудратой Файзуллаевага ҳам ҳомийлик асосида замонавий тикув машинаси олиб берилса, Қизилтепа туман ҳокимлиги томонидан оиласида етарлича шароит яратилса, унинг ноёб истеъдоди янги қирраларини очишига шубҳа йўқ.



Нормурод МУСОМОВ, «Ishonch»



Навоий вилояти



Суратда: Қудратой Файзуллаева онаси Маҳбуба Ҳақимова билан

МУАССИС:



2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:

Касаб а уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Хуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнги янгиликлар, таҳлилий, таъқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишингиз мумкин.

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг: сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмажонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Баҳоиси келишилган нарҳда.

Таҳририят ҳисобрақами:

2021 0000 0004 3052 7001,
АТМБ «Iprotex bank» Яшнобод филиали,
Банк коди: 00959, СТПР: 201133889, ОКДЗ: 58130

Ҳудудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон – (+998-99) 889-90-23
Бухоро – (+998-99) 889-90-31
Жиззах – (+998-99) 889-90-34
Наманган – (+998-99) 889-98-02
Навоий – (+998-99) 889-90-28
Тошкент – (+998-99) 889-90-25
Самарқанд – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё – (+998-99) 889-90-32
Фарғона – (+998-99) 889-90-24
Хоразм – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқлиниши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:

Х. Норбоев
Мусаҳҳиж:
С. Шодиева
Саҳифаловчи:
Х. Абдужаллилов
ЎЗА яқини – 22:35
Топшириди – 01:20

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Буюртма Ғ – 717. 28020 нусхада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133